

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ**

Ойбек Абдуллаевич Арипов,

Иқтисод фанлари доктори, проф.

Наманган муҳандислик педагогика институти

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири

Шохсанам Дилшоджоновна Довлатова

Наманган муҳандислик-қурилиш институти талабаси

Аннотация: Мақолада кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг айрим муаммолари ёритилган. Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг жалб этилиши ёритилган. Шунингдек, мавжуд муаммолар ечимини топишга йўналтирилган фикрлар берилган.

Таянч иборалар: давлат томонидан тартибга солиш, кичик бизнес, тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти, инновация.

Аннотация: В статье рассмотрены некоторые проблемы государственного регулирования малого бизнеса и предпринимательства. Особое внимание уделяется привлечению инвестиций в основной капитал в Узбекистан. Также есть предложения по поиску решений существующих проблем.

Ключевые слова: государственное регулирование, малый бизнес, предпринимательство, рыночная экономика, инновации.

Annotation: The article deals with some problems of state regulation of small business and entrepreneurship. Particular attention is paid to attracting investments in fixed capital to Uzbekistan. There are also suggestions for finding solutions to existing problems.

Key words: government regulation, small business, entrepreneurship, market economy, innovation.

Мамлакатда кичик бизнес субъектларини эркин фаолиятини таъминлашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар сони сўнгги йилларда яна 10 тага ошди. Бу эса кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришни янада қўлайлаштириш имкониятларини яратиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг янада кенг имкониятларини қидирар эканмиз, «Бозор иқтисодиётининг эркин ривожлантириш имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шароитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун

маъмурий тўсиқларни камайтириш лозим» [1, 183 б.].

Бундай вазифаларни амалга ошириш иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари қаторидан жой олиб, шу билан бирга, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашда бош мақсадимизга айланди. Буларни барчаси айна пайтда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан такомиллашиб бормоқда.

Маълумки, рақамли иқтисодиёт янги иқтисодиётни акс эттиради, у инсоннинг ривожланиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган, шунингдек ахборот, билим ва инновацион технологияларни қўллаш орқали фаровонликнинг ўсишига ёрдам беради [4]. Шунга қарамай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат идоралари томонидан бошқарилишини назорат этиш ва тартибга солишда, жадал ривожланиши йўлида айрим муаммолар мавжуд.

Бундай муаммоларнинг бир томони кичик бизнес субъектларини давлат идораларидаги айрим маъмурий шахслар орқали бошқаришда, сунъий равишда юзага келаётган камчиликлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томони тадбиркор ва ишбилармон шахсларнинг иқтисодий муносабатларида ўзига хос маданият ва ҳуқуқий саводхонликнинг яхши шаклланмаётганлиги билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда, кўпчилик иқтисодчи олимлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришдаги муаммоларни айрим раҳбар шахсларнинг ноўя хатти-ҳаракати туфайли юзага келаётганлигини қайд этмоқдалар. Баъзи иқтисодчи олимлар эса, бу соҳадаги муаммоларнинг намоён бўлишини тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлган субъектларда иқтисодий соҳадаги билимнинг етарли эмаслиги ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмасликлари билан боғламоқдалар.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида муаммолар мавжуд. Булар ичида қуйидагича муаммоларни асосий деб ҳисоблаймиз:

- айрим тадбиркор ва ишбилармонларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаши заиф даражада, уларнинг аксарияти электрон алоқа ўрнатишга қийналаётганлиги;
- стратегик хом ашё ресурсларининг чекланганлиги шароитида улардан самарали фойдаланишга ўтилмаётганлиги;
- хом ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун маблағларнинг чекланганлиги, хорижий кредит йўналишлари бўйича кредит маблағларининг етарли эмаслиги;
- солиқ тизимида мажбурий бўлган тўрачилик тартиботлари халигача ўз ечимига эга эмас, яъни ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги;

- хусусий тадбиркорлик соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жихатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.
- бозор инфратузилмаси таркибидаги муассасаларнинг аксарияти рақобат асосида ишламаётганлиги;
- молиялаштиришдаги ресурслар айрим ҳудудий миқёсларда (масалан, вилоятлар туманларида) чекланганлиги;
- давлат идораларида ишлаётган баъзи кадрлар бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фикрлай олмаётганлиги.

Мисол тариқасида айтиш мумкинки, маҳаллий бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини яхшилаш масалаларида, уларга тўғри йўл кўрсатишда самарали консалтинг хизматлари яхши йўлга қўйилмаяпти. Бу эса эркин бозор муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истикболий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг суст фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли тадбиркорлик фаолиятига асосланган корхоналарнинг асосий фондларини оширишга бўлган саъй-ҳаракатлар жуда сусайиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган жами корхоналарда асосий капиталга инвестициялар киритишда ўзига хос муаммолар келтириб чиқармоқдаки (1-расм), уларнинг ўсиш суръатлари динамикаси секинлашиб қолган.



1-расм. Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатлари динамикаси (%да)*

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Хусусан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳудудий ва идоравий бошқарув тузилмалари айрим раҳбарларининг ташаббусsizлиги туфайли ушбу сектор фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти жуда суст. Бу эса республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга

тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир.

Мавзу бўйича муаммоларни ўрганиш жараёнида шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра, корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш механизми жорий этилган бўлса-да, амалда уни ишлашни кучайтириш зарур. Масалан, айрим вилоятларда демографик вазият ўзига хос бўлиб, ортиқча иш кучи кўпаяётганлигида ўз аксини топган. Бироқ, бу ҳудудда ҳукумат қарорлари ва фармонларида белгиланганидек, меъёрий ҳужжатларда қабул қилинганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаяпти.

Тадқиқотларимиз натижасидан қайд этиш мумкинки, вилоятларда ва айниқса туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар йўқ эмас. Бу соҳани давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш ишлари қониқарли даражада бўла олмапти.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб, бу муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз:

- тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаб олиш зарур;
- бизнес инкубаторларни кўпайтириш, уларга янгидан ташкил топаётган тадбиркорлик субъектларини киритишни ва мустақил фаолият юритишга тайёрлашни рағбатлантирувчи шароитларни кучайтириш лозим;
- бозор инфратузилмалари фаолиятини кучайтириш мақсадида маҳаллий шароитларда рағбатлантирувчи воситаларни ишга тушириш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- шартномавий интизомни кучайтириш, уни бузган хўжалик субъектлари масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Бундан ташқари миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган барча кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари (мулк шакли қандайлигидан қатъий назар) тенглаштирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига ҳуқуқий, консалтинг, инжиниринг, ва бошқа турдаги хизматларни амалга оширишда ушбу корхоналар ходимларининг меҳнат самарадорлигини, малакаси

ва тажрибаларини оширишга бўлган чора–тадбирларни кўриб бориш давлат аҳамиятидаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Хулоса шуки, 2022 йил якунига келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш борасида етарли тажриба мажуд ва бугунги кунда бу тажрибалардан унумли фойдаланишга ўтиш давр тақозосидир. Бу эса шу секторни ривожлантириш учун барча ҳудудларда ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжудлиги ва бу борадаги ишлар ҳали давом этмоқдалигидан далолат беради. Бироқ, қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари кичик тадбиркорликнинг, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. У ҳолда бозор тизимининг такомиллашмаган кўриниши намоён бўлиши табиий. Шу боис ушбу соҳадаги муаммоларни олдини олиш лозим. Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришга доир давлат аҳамиятидаги бундай муаммоларни ҳал этиш барчамизнинг вазифамиз ҳисобланади.

«Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштирамиз»¹.

Ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришда давлат идораларининг ноўрин аралашувига барҳам бериш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги, билими, тафаккурини ошириш, ҳамда бозор хўжаликларининг бир бутун кооперациялашган мавкени эгаллашлари учун етарли бўлган шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
2. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2021. – 225 б.
3. <https://www.xabar.uz/jamiyat/> Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 21.12.2022.
4. https://gubkin.uz/uploads/sveden/Nauka/bobshux_tdiu_06_2019.pdf

¹ <https://www.xabar.uz/jamiyat/> Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 21.12.2022.